



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 11 апрель, № 72 (7302)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ОЧИҚЛИГИ ВА ШАФФОФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА МАМЛАКАТНИНГ СТАТИСТИКА САЛОҲИАТИНИ ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда статистика ахборотидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, давлат статистика ҳисоботини ишончли равишда юритишни шакллантириш юзасидан изчиллик билан чоралар кўришмоқда. Интернетдаги ийғма маълумотларнинг миллий саҳифаси Халқаро валюта жамғармаси маълумотларини тарқатишнинг кенгайтирилган умумий тизими билан уйғунлаштирилди.

Шу билан бирга, ахборотларнинг умумфойдаланиш учун очиклик ҳолати, очик маълумотларнинг ошқоралик ва сифат даражаси, уларни фуқароларга ва жаҳон ҳамжамиятига етказишнинг амалдаги механизмлари қабул қилинган халқаро талабларга тўлиқ жавоб бермайди ва натижада мамлакатимизнинг статистика салоҳияти индексидаги ўрни пастлигича қолмоқда.

Мамлакатимиз нуфузи ва инвестициявий жозибадорлигини мустаҳкамлашга қаратилган, давлат бошқарувининг очиклиги ҳамда шаффофлигини таъминлаш борасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, шунингдек, 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастуридаги вазифаларни бажаришни таъминлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг машинада ўқиладиган форматдаги ахборотдан кўп қарра, эркин ва бепул фойдаланиш имконини берувчи **Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар портали** (кейинги ўринларда — Портал) фаолият юритмоқда.

2. Белгилансинки:
а) Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат статистика қўмитаси) **давлат органлари ва ташкилотларининг** очик маълумотлар тўпламлари рўйхатини (кейинги ўринларда — Рўйхат) шакллантириш, юритиш ва янгилаш ҳамда тегишли ахборотларнинг Порталда ўз вақтида акс эттирилиши бўйича **фаолиятини мувофиқлаштиради**;

б) Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) **Портални техник қўллаб-қувватлаш ва таъминлаш ҳамда узлуксиз ишлаб туриши учун** жавобгар ҳисобланади;

в) Порталдаги ахборотлар:
фақат давлат органлари ва ташкилотларининг республика даражасидаги юқори турувчи тузилмалари, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан эълон қилинади;

ўзбек, рус ва инглиз тилларида, шу жумладан, машинада ўқиладиган ва бошқа форматларда эълон қилинади;

давлат органлари ва ташкилотларининг расмий сайтларида эълон қилинадиган ахборот билан айнан бир хил ва ўзаро боғланган бўлиши лозим;

г) давлат органлари ва ташкилотларида ахборотни тайёрлаш ва Порталда жойлаштириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сон Фармонида мувофиқ ташкил қилинган **халқаро рейтинглар билан ишлаш ва “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган бўлимлар** зиммасига юкланади.

(Давоми 2-бетда).



Бахшичилик... Халқ оғзаки ижодининг бой аъналарининг ўзида мужассам этган санъатнинг бу тури асрлар оша безавол яшаб келаётгани бежиз эмас. Унда халқимизнинг асрий орзу-умидлари, эзгу мақсад-муддаолари, бой тафаккур олами, шунингдек, замонлар силсиласида тақомиллашиб, сайқал топган миллий урф-одат, аънава ва қадриятлари ўз ифодасини топган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ушбу нуфузли санъат анжуманининг очилишига бағишланган тан-

Қадр топган бебаҳо маданият дурдоналари

Термиз шаҳрида мамлакатимизда илк бор ташкил этилган Халқаро бахшичилик санъати фестивали ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу санъат байрамида дунёнинг 74 давлатидан 160 дан зиёд вакиллар, жумладан, атоқли маданият арбоблари, фольклор санъати намояндалари, халқ оғзаки ижоди ижрочилари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. Фестиваль чин маънода элларни элларга, дилларни дилларга боғлади. Олис мозийдан садо берган халқ оғзаки ижоди намуналари жаҳонроқ акс садо бериб, халқимизнинг буюк ўтмиши, маданияти ва санъати ҳақида қўшиқ бўлиб янгради. ЮНЕСКО, АЙСЕКСО каби халқаро ташкилотлар ҳамда дипломатик корпус вакилларининг анжумандаги бевосита иштироки унинг нуфузи, халқаро миқёсдаги аҳамиятини янада оширди.

танали тадбирда таъкидлаганидек, инсоният яратган бебаҳо маданият дурдоналари, энг аввало, ҳар қайси миллатнинг фольклор санъатида мужассам топади.

Шу маънода, турли халқларнинг миллий ўзлигини, уларнинг тили ва ҳаёт тарзини, аънава ва урф-одатларини акс эттирадиган бахшичилик санъати умумбашарий маданиятнинг узвий қисми сифатида барчамиз учун қадридир.

Термизда ўтказилган нуфузли санъат анжумани дунё-

нинг турли ўлкаларидан келган халқ оғзаки ижоди ижрочилари — бахши, жиров, оқин, манасчи, ошшқ ва шоирларни бир даврада жамлаб, ўзаро ижодий беллашиш, фикр-мулоҳаза алмашиш, дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, анжуман доирасидаги халқаро илмий-амалий конференция эса бахшичилик санъатини илмий тадқиқ этиш, бой аънаваларини қийсий ўрганиш ва ўзаро тажриба алмашишда қўлай имкониятларни яратиб берди.



Жараён



Аввал хабар қилинганидек, шу ҳафтанинг биринчи кунидан Президентимиз топшириғига мувофиқ бошланган хайрли ташаббусларни ҳаётга тезкор ва изчил татбиқ этиш, яратилаётган дастурларнинг ҳаётийлигини таъминлаш мақсадида республика ишчи гуруҳи туманда аҳоли тақлиф ҳамда муаммоларини ўрганди.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, улар учун маданий тадбирлар, компьютер саводхонлиги ва интернет марказлари, спорт

БЕШТА ТАШАББУС

ёшлар ва хотин-қизлар ҳаётига янгича мазмун олиб киради

Ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, маънавий юксак ва интеллектуал салоҳиятли авлодни тарбиялаш, аҳоли, хусусан, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш йўналишдаги муҳим ташаббусларни амалга ошириш юзасидан Тошкент вилоятининг Бўка туманида кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди.

Эрта тонгдан турли бадий ва оммабоп адабиётлар, ахборот техникаси ва технологиялари, чолғу асбоблари, спорт анжомлари, ўқув қуроллари, қурилиш материаллари, аҳоли ҳаёти учун лозим бўлган бошқа маҳсулотлар юкланган автомобиль карвони Тошкентдан Бўка томон йўл олди.



тўрақаклари ташкил этиш, шунингдек, китобхонлиқни оммалаштириш мақсадида мавжуд кутубхоналар хатловдан ўтказилди.

Китоб фондини яхшилаш, “Book

safe”, китоб дўконлари фаолиятини йўлга қўйиш, маънавий тадбирларни кўпайтириш, ишсиз аёлларни тикув ва тўқимачилик цехларига жалб қилиш бошланган кенг кў-



ламми ҳаракатнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Ишчи гуруҳи томонидан ҳар бир сектор бўйича биттадан худуд танлаб олинди. Чунончи, 1-сектордан

“Чавлисой”, 2-сектордан “Янгиқўрғон”, 3-сектордан “Равот”, 4-сектордан “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғинларида жадал бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Маданият уйлари таъмирлаш, кутубхоналар, кинозал, концерт ва кўча театр дастурлари, маданий ва музикаий тўғарақлар фаолиятини йўлга қўйиш, мавжуд боғларни обodonлаштириш, кичик аттракционлар, спорт ва болалар майдончалари ташкил этиш, худуддаги барча мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, қишлоқ врачлик пунктларини жорий, зарур ҳолларда капитал таъмирлаш, спорт майдончаларини хатловдан ўтказиш, худудда яшаётган аҳоли, айниқса, аёлларнинг бандлигини таъминлаш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди.



ДУНЁ НИГОҲИ

«Туризм соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётининг локомотивларидан бирига айланмоқда»

Юртимиз сайёҳлик соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар жараёнини кузатиб бораётган хориж оммавий ахборот воситалари шундай фикр билдирмоқда.

Хусусан, **Озарбайжоннинг “Media.az” электрон нашрида** “Ўзбекистон тез орада зиёрат-туризм марказига айланади” сарлавҳали мақола чоп этилди. Мақола муаллифлари юртимизда хорижлик сайёҳларга зиёрат қилиши учун яратилаётган имкониятларга юқори баҳо беради. Айниқса, ресторан ва ка-

MEDIA.AZ

феларда “ҳалол” стандартининг жорий қилиниши, “Halal.Uzbekistan.travel” электрон портали ишга туширилиши, мусулмон давлатлари билан авиақатновлар сони кўпайтирилиши, аэропортларда ди-

ний ибодатларни амалга ошириш хоналарининг очилиши алоҳида қайд этилди.

“2018 йил февралдан бошлаб Индонезия, Малайзия ва Туркия фуқаролари учун ўттиз кунгача визасиз саёҳат тартиби жорий қилинди. 2019 йил мартда эса шундай имконият Бирлашган Араб Амирликлари аҳолисига ҳам берилди, деб ёзилади нашрда. — Зиёратчилар учун махсус “Pilgrim visa”нинг киритилиши эса туризм оламида мутлақо янги воқеа бўлади”.

Италиянинг “NTR 24” телеканалида яқинда ўлкамизга бағишланган махсус репортаж томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Унда таъкидланишича, бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон

ntr 24
l'informazione sul web

сайёҳлик бозорида ўз ўрни ва сўзига эга субъектга айланиб бораётган.

Мамлакатда туризм инфратузилмасини такомиллаштириш, транспорт-коммуникация тармоқларини яхшилаш, янги хизмат турларини жорий этиш, илгари киритилган тақийқ ва чекловларни бекор қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар амалий самарасини бермоқда.



ЎЗБЕКИСТОН ВА БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРАДИ

Тошкентда 10 апрель куни Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳукуматлари делегациялари ўртасида йиғилиш бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумат ва келажак ишлари вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Қарқавий раислик қилган йиғилишда икки мамлакатнинг масъул вазирлик ва идоралари раҳбарлари иштирок этди.

Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий мулоқот фаоллашиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 24—26 март кунлари Бирлашган Араб Амирликларида расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик кўламини

кенгайтиришда янги босқични бошлаб берди.

Ташриф давомида қатор ҳукуматлараро ва идоралараро келишувлар, шунингдек, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда умумий қиймати 10 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган ҳужжатлар имзоланди. Мазкур ҳужжатлар сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, инновацион, ҳарбий-техник ва маданий-гуманитар соҳалар бўйича икки томонлама муносабатларини янада фаоллаштиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда барча келишувларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича фаол иш олиб борилмоқда.



Семинар

Декларация янги таҳрирда тайёрланди

Унда ишчи-ходимларнинг меҳнат муҳофазаси, кафолатлари қай даражада ифодасини топган?

Халқаро инвестициялар ва савдо ҳажмлари ошишига хизмат қилаётган глобаллашув жараёнлари бутун дунёда меҳнат шариоити ҳамда одамлар ҳаётига тобора кўпроқ таъсир ўтказяпти. Бу эса ижтимоий таъминот, иш ҳақи, ишчи-хизматчилар учун ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имкониятларини яратиш каби долзарб масалалар ечимига янгича ёндашишни тақозо этмоқда.

Замонавий шароитларда бу борадаги кафолатларни таъминлаш учун Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан Кўп миллатли корпо-

рациялар тўғрисидаги декларация янги таҳрирда тайёрланди. Самарқанд шаҳрида Марказий Осиё давлатлари миллий касаба уюшмалари марказлари вакиллари иштирокида ушбу ҳужжатнинг экспертиз муҳофазаси уюштирилди.

“ХМТнинг Кўп миллатли корпорациялар тўғрисидаги декларацияси: касаба уюшмалари фаолияти учун восита” мавзuida ўтказилган мазкур семинар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан халқаро ташкилотлар билан биргаликда ташкиллаштирилди.



